

**“ТАШВИШ” СИГНАЛИГА ТЕХНИК ҚЎРИҚЛАШ ПУНКТИ (ТҚМ) ОРҚАЛИ
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА**

ШАРТНОМА № 170

2022 йил “ 20 ” 01

Избоскан тумани

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Андижон вилоят Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи М.Б.Ўринбоев, Низом асосида фаолият юритувчи бундан кейин бир томондан “Қўриқлаш” деб номланади, иккинчи томондан 8-ДИМИ раҳбари Ф.Тўхташев бундан кейин “Буюртмачи” деб номланиб, мазкур шартномани тузадилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

“Қўриқлаш” ўз зиммасига Избоскан туман 8-ДИМИ Избоскан тумани Пойтуғ шахри Т.Жўраев кўчасида жойлашган 8-ДИМИга ўрнатилган “Ташвиш-тугма” 1та калит ва 1 та шартли белги орқали (байрам ва дам олиш) кунларисиз ҳар куни соат 09:00 дан соат 15:00 гача 6 (беш) соат, “Объект”да ўрнатилган ташвиш-сигнализацияси ҳолатини телефон ёки радиоалоқадан фойдаланиб назорат қилиш мажбуриятини, шунингдек “Объект”нинг ТҚМ назорати даврида у ерга кирган бегона шахсларни қўлга тушириш учун объектдан ташвиш-сигнали берилганда, милиция нарядининг тезлик билан етиб келишини назорат қилиш мажбуриятини олади.

2. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” нинг мажбуриятлари:

2.1.1. “Қўриқлаш” тавсиясига биноан ташвиш-сигнализацияси ўрнатиладиган жойларни аниқлайди.

2.1.2. Бегона шахсларга ташвиш-сигнализациясидан фойдаланиш ва “Объект”га белгиланмаган шартли рақам ҳақида маълумот бермайди.

2.1.3. Ташвиш-сигнализациясидан фойдаланиш қоидаларига қатъий амал қилади ва унинг схемасига ўзгартириш киритмайди. Унинг носозлиги ҳақида ўз вақтида “Қўриқлаш”га хабар беради.

2.1.4. Кунига камида бир марта ташвиш-сигнализацияси ишлашини синаш учун “Ташвиш” сигналинини бериб, синаб кўради. Бунда телефон орқали “Қўриқлаш” олдиндан огоҳлантирилади.

2.1.5. Ташвиш-сигнализацияси уланган телефон алоқаси ва электр таъминоти тармоқларини ўз вақтида таъмирлаш чора-тадбирларини кўради.

2.1.6. “Қўриқлаш” га белгиланган тўлов ҳисоби ва далолатномаси асосида қуйидаги тўловларни амалга оширади:

- “Буюртмачи” айби билан ишдан чиққан ташвиш-сигнализацияси аппаратурасини таъмири учун;

- Фойдаланиш муддати 5 йилдан ошган ташвиш-сигнализацияси аппаратурасини капитал ремонт қилиш учун ташвиш-сигнализацияси фойдаланиш муддати тугаган ёки уни модернизация қилиш учун мавжуд аппаратура ўрнига алмаштириш учун;

- “Буюртмачи” айби билан сохта чакирувларга милиция нарядининг ҳар бир келиши учун ойлик тўловнинг 1 % миқдоридан (тўлов миқдори ТҚМ дан буюртмага объектга масофа учун фойдаланилган транспор ва ёқилги ҳисобидан аниқланади).

2.2. “Қўриқлаш”нинг мажбуриятлари

2.2.1. “Объект”ни “Буюртмачи” ўз маблағлари ҳисобига “Қўриқлаш”га тегишли “Ташвиш” сигнализацияси аппаратлари билан жихозлайди. Ўз ҳисобидан ташвиш-сигнализацияси воситаларини техник хизмати ва таъмирлашни амалга оширади, бундан “Буюртмачи” айби билан вужудга келган носозликлар мустасно.

2.2.2. Белгиланган тартибда “Объект”ни назорат қилиш учун қабул қилади ва “Ташвиш” сигнали берилганда 5 дақиқа ичида милиция наряди етиб келишини таъминлайди.